*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 91 (8581). ● 10 май, 1985 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

*Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси буюк ва унутилмасдир. Бу ғалаба янги-янги ютуқларнинг илҳом манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Биз жуда катта бунёдкорлик режаларини амалга ошириш, Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қудратини мустаҳкамлаш ва уни янада равнақ топтириш учун ана шу манбадан ҳамиша куч-ғайрат олаверамиз.*



МОСКВА. 1985 ЙИЛ 9 МАЙ. Қизил майдон. Суратда: В. И. Ленин Мавзолейи минбарида.

### Иккинчи жаҳон уруши тугаганлигининг 40 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «Барча мамлакатлар халқларига, парламентларига ва ҳукуматларига»

# МУРОЖААТНОМАСИ

Жаҳонга ҳукмрон бўлиш мақсадини кўзлаган фашизмга қарши эркесвар халқларнинг кураши қирқ йил муқаддам ғолибона тугаган эди.

Гитлерчилар фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган жаҳоншумул тарихий Ғалабага гитлеризмга қарши коалициядаги мамлакатлар халқлари ва армияларининг, партизанларнинг, қаршилик ҳаракати жангчиларининг, антифашистлар, демократлар ва ватанпарварларнинг, озодлик учун курашган миллион-миллион кишиларнинг ялпи куч-ғайратлари туфайли эришилди.

Фашизм ва агрессия кучларини тор-мор қилишга, инсониятни асоратдан сақлаб қолишга Совет Иттифоқи ва унинг Қуролли Кучлари ҳал қилувчи ҳисса қўшганликларини ҳамма эътироф қилган.

Гитлерчилар фашизми Европа ва жаҳон цивилизациясининг ўзига таҳлика солган эди. Иккинчи жаҳон уруши 50 миллион кишининг ёстиғини қуритди. Совет Иттифоқига қарши бошланган уруш унинг 20 миллион ўғил ва қизини нобуд этди. Уруш алангасида қақшамаган оила қолмади. Қайғу-аламимиз ҳеч қачон унут бўлмайди, ҳалок бўлган аскарларнинг рафиқалари, оналари ва етим қолган болалари мусибати тасалли топмайди. Агрессор миллий бойлигимизнинг учдан бирини нобуд қилди. Уруш фожиаси ҳам, Буюк Ғалаба нашидаси ҳам халқ хотирасида доимо сақланади. Урушнинг даҳшатли ва ибратли сабоқларини эсдан чиқариб бўлмайди.

Энг асосий сабоқлардан бири шуки, уруш ёнғини алангa олмасдан бурун агрессияга қарши биргаликда қатъий курашмоқ керак. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Совет Иттифоқи айни шундай қилишга зўр бериб интилган эди.

Ҳозир уруш олиб бориш воситалари сифат жиҳатидан ўзгарди. Агар инсониятнинг бутун тарихи мобайнида урушлар бир неча юз миллион кишининг жонига завол бўлган бўлса, учинчи жаҳон уруши ҳаммани ёппасига қириш хавфини туғдирмоқда. Башарти, ер курраси узра ядро довули эсгудек бўлса, у ҳатто ҳаёт нишонасини ҳам қолдирмайди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм ҳалокат хавфини солган бир пайтда турли социал-сиёсий тузумдаги давлатлар умумий душманга қарши бирлашишга муваффақ бўлган эдилар, ягона умумбашарий мақсад — озодлик ва тинчлик йўлида самарали сиёсий ва ҳарбий ҳамкорлик қилиш мумкинлигини исботлаган эдилар. Ҳозир ҳам халқларнинг жипслиги дунёни ядро урушига судраётган кимсаларнинг йўлига қудратли тўсиқ қўйишга қодирдир. Эндиликда тинчлик ва тараққиёт кучлари реакция ва агрессия кучларидан беқиёс қудратлироқдир.

Уруш тамом бўлганидан кейин Совет Иттифоқи янги фалокатнинг олдини олишда, қуролсизланиш учун, низоли проблемаларни музокаралар йўли билан тинч бартараф қилиш учун курашда куч-ғайратларини аямади. 1945 йил кўкламидан буён Европа халқлари тинчлик шароитида яшаб турибдилар. Турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципи давлатлар ўртасидаги муносабатларда халқаро турмушда ўзига тобора кўпроқ йўл очиб бормоқда.

1975 йил 1 августида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар Хельсинкида имзолаган Якунловчи Актда «ўзларининг ўтмишдаги муносабатлари характеридан келиб чиқадиган қаршима-қаршиликни бартараф этиш ва яхшироқ ҳамжиҳатлик» йўлларини белгиладилар. Давлатларнинг коллектив куч-ғайратлари билан кескинликни юмшатиш асослари яратилди, у ўзининг ҳамма учун шак-шубҳасиз устунликлари ва афзалликларини кўрсатди.

Ғалабанинг 40 йиллигини халқлар АҚШ билан НАТОнинг ҳарбий-стратегик мувозанатни бузишга, Совет Иттифоқидан, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлардан ҳарбий устунликка эришишга қаратилган йўли натижасида вужудга келган кескин ва хатарли вазиятда нишонламоқдалар. Бироқ, дунёга ҳукмронлик қилиш, бошқаларга, шу жумладан Совет Иттифоқига ўз иродасини қабул қилдириш йўлидаги умидлар асоссиз ва барча халқлар учун хатарлидир.

Европадаги аҳвол жиддий хавотирлик туғдирмоқда, бу қитъа вайронгарчилик келтирган иккита жаҳон уруши қирғинини бошдан кечирди. Бу ерда қуролли кучлар ва аслаҳахоналарнинг жуда катта қудрати бир-бирига бевосита бақамти бўлиб турибди; Ғарбий Европада Американинг биринчи зарба урадиган ракета-ядро қуролини жойлаштириш давом эттирилмоқда, уруш якунларини ва урушдан кейинги ривожланиш натижаларини, аввало Европада урушдан кейинги сиёсий ва территориал реалликлар мавжудлигини шубҳа остига қўйишга уринаётган реваншчи доиралар бош кўтара бошлади.

Европа ва унинг ташқарисидаги муайян кучлар урушдан кейинги тинчлик пойдеворига асос солган Ялта ва Потсдам тарихий битимларини қўпоришдан иборат ўз хатарли режаларидан воз кечмаяптилар. Бу битимлар қирқ йилдан бери европаликларнинг хавфсизлиги манфаатларига пишиқ-пухта хизмат қилиб келмоқда, милитаристлик ва реваншчилик муддаолари учун тўсиқ бўлиб турибди. Бу битимларга ҳамла қилиш йўлидаги ҳамма уринишлар мағлубиятга маҳкумдир.

Ер юзи — барча халқларнинг, бутун инсониятнинг муштарак уйидир. Совет халқига ўзгаларнинг ерлари керак эмас. Биз ўз дунёқарашимизни, ўз турмуш тарзимизни ҳеч кимга тиқиштираётганимиз йўқ. «Салб юриши» ва «психологик уруш» жарчилари «совет ҳарбий хавфи» деган ҳавойи гаплар билан халқаро жамоатчиликни йўлдан оздиришга беҳуда уринмоқдалар. Тарих, шу куннинг аниқ-равшан фактлари бошқа нарсадан дарак бермоқда. Совет Иттифоқи ҳеч қачон ҳеч кимга ҳужум қилган эмас, аммо ўзи агрессорларнинг тажовузларини неча марталаб даф қилишга мажбур бўлган. Энди бунёдкорлик, ривожланган социализм жамиятини янада такомиллаштириш учун совет халқига тинч шароитлар керак. Ёппасига ва батамом қуролсизланиш, мустаҳкам, одилона тинчлик — бизнинг олий мақсадимиз, доимий ишимиздир.

Тинчликни сақлаб қолиш Коммунистик партия билан Совет давлатининг юксак мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Бизга В. И. Ленин васият қилган тинчликсевар ташқи сиёсат ССР Иттифоқи Конституциясида мустаҳкам белгилаб қўйилган. Бу сиёсат социалистик жамият табиатининг ўзидан келиб чиқади.

Уруш тақдири азалга ёзилган муқаррар бир нарса эмаслигига ишончимиз комил. Ядро уруши бошлашни оқлай оладиган мақсадлар бўлиши мумкин эмас. Халқаро масалаларнинг ҳар бирини музокаралар орқали ҳал этиш мумкин. Кескинликни юмшатиш ва амалий ҳамкорлик халқаро турмушнинг табиий, доимий ҳолати бўлиши мумкин ва лозим. Ақл-идрок тентаклик устидан, телбалик устидан ғолиб чиқиши керак.

Совет Иттифоқи халқлар ва давлатларни, уларнинг парламентлари ва ҳукуматларини космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш, ердаги қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, ядро қуролини чеклаш, қисқартириш, сўнгра эса батамом йўқ қилиб ташлаш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишга чақиради.

Космос ҳарбийлаштириб турилган шароитда ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш масалалари юзасидан бир битимга келиб бўлмайди. Космик фазони ҳарбийлаштириш барча жабҳалар бўйлаб назоратсиз қуролланиш пойгасини авж олдириб юборган бўлур эди, унинг янги, янада хатарли даврасига, стратегик барқарорликни кескин камайтиришга олиб борган бўлур эди.

Ядро қуролига эга бўлган давлатлар ўртасидаги муносабатларни муайян нормаларга бўйсундириш оқилона иш бўлур эди. Бу нормалар, бизнинг назаримизда ядро урушининг олдини олишни, бу урушни тарғиб қилишдан воз кечишни, ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмасликни, унинг ёйилишига йўл қўймаслик ҳамда ядро қуролларини қисқартиришга, бора бора бу қуролларни батамом тугатишга ҳаракат қилиш мажбуриятини олишни назарда тутиши лозим. Совет Иттифоқи мана шундай нормаларни биргаликда эътироф этиш ва унга мажбурий тус бериш тўғрисида бошқа давлатлар билан исталган вақтда келишиб олишга тайёр.

(Давоми 2-бетда)

# ТИНЧЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛДИК— ТИНЧЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ ҚОЛАМИЗ!

## Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига Москвада парад

Ғалаба! Халқимиз урушнинг жуда узоқ давом этган 1418 куни ва туни мобайнида жанг қилиб, Ғалаба келишига ишонди. Бу ишонч гитлерчилар Москвага зўр бериб интилаётган кунларда ҳам, фашистлар Ленинградни қамал халқаси билан бўғиб ташлашга уринган фожиали пайтларда ҳам бизни тарк этмади. Совинформбюро маълумотларида Волга соҳилларидаги, аланга ичида қолган Сталинграддаги қонли жанглар тўғрисида хабар бериб турган кунларда ҳам ишончни йўқотмадик.

Урушнинг биринчи куниёқ совет пойтахтидан бутун дунёга: «Бизнинг ишимиз ҳаққоний, душман тор-мор этилади. Биз ғалаба қозонамиз», — деган сўзлар янгради, курашаётган халқ бу сўзларни қасамёддек такрорлади.

Ғалаба куни ҳам келди. Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари партия раҳбарлигида гитлерчилар фашизмини тор-мор этиб, социалистик Ватан озодлиги ва мустақиллигини, Октябрь ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилибгина қолмай, шу билан бирга Европа халқларини халос этди, жаҳон цивилизациясини қутқариб қолди. 9 май куни Москвада бўлиб ўтган парад совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланди.

Тарихимиздаги кўпгина шонли воқеаларнинг гувоҳи бўлган Қизил майдон тантанавор ва кўркам. ГУМ биносида В. И. Ленин портретини кўрамиз. Совет кишилари улуғ Ленин ғояларидан куч-қудрат олдилар. Портретнинг ҳар иккала томонида электр чироқлари билан: «1945—1985» саналари белгилаб қўйилган.

Майдоннинг байрам либоси тимсолида Советлар мамлакати яшаб, курашаётган идеаллар ўз ифодасини топган. Панноларнинг бирида: «Тинчликни сақлаб қолдик — тинчликни ҳимоя қилиб қоламиз!» — деган сўзлар қасамёддек эшитилади. Паннода турли авлодларга мансуб кишилар «Ғалаба» ордени фонида бир саф бўлиб одим ташлаб бормоқдалар.

Бошқа бир монументал полотнога «Халқ билан партия—якдил!» сўзлари ёзилган. Партиянинг кучи халқ билан бирликдадир, халқнинг кучи — партия билан бирликда, унинг раҳбарлигидадир. Биз КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўрилаётган кунларда бу ҳақиқатни алоҳида теранлик билан англаймиз. Бу съезд мамлакатни ривожлантиришда бутун бир босқич даври бўлиб қолади.

Кремль деворида — совет халқлари бузилмас дўстлигининг рамзи — Совет Иттифоқи герби билан иттифоқдош республикаларнинг гербларини кўрамиз. Улуғ Ватан уруши даврида совет халқлари бузилмас дўстлигининг қудратли кучи жуда зўр намоён бўлган эди.

Қизил майдонда қўшинлар парад бўлинмалари тўрт бурчак шаклида аниқ саф тортиб турибди. Ғалабани курашиб қўлга киритган кишилар Ватан ҳимоячиларининг ёш авлоди билан бир сафда турганликлари юксак рамзий маънога эга. Биз бугун уларни ветеранлар деб атаймиз. Бу кишилар мамлакатни жангда ҳимоя қилиб қолдилар. Бундан оғирроқ жанг тарихда бўлмаган эди. Кейин эса уларнинг тинч меҳнатни қўмсаб қолган қўллари душманни абадий йўқ этиб юборишга умид қилган ҳамма нарсаларни вайроналардан тиклади. Тилларда достон бўлган бу кишилар ҳозир ҳам сафдадирлар. Бу достон одамни ҳайратда қолдирадиган достон бўлиб, ундаги ҳамма нарса ҳақиқатдир. Бугун улар ўз жасоратларининг қирқ йиллигида биз билан бирга эканлиги жуда қувончли. Сизларга таъзим қиламиз ва шон-шарафлар бўлсин деймиз, қаҳрамонлар!

Минбарларда ҳам уруш ва меҳнат ветеранлари кўп. Улар билан бирга ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, таниқли фан ва маданият арбоблари бор.

Фашизмни тор-мор этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшган совет халқининг жасоратига ҳурмат-эҳтиром билдириш учун чет эллардан жуда кўп меҳмонлар келишган. Чет мамлакатларнинг СССРдаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари ҳозир бўлишган.

Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларини «Ура!» деб, узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан табриклайдилар.

**М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. В. Зимянин, В. П. Никонов, К. В. Русаков** ўртоқлар мавзолейнинг марказий минбарига кўтариладилар.

Таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ҳам шу ерда.

Рақамлари остида гўё тарих лаҳзаларини зичлаб сақлаётган Кремль курантлари ўн марта бонг уриб, баҳор сокинлигини бузади.

(Давоми 2-бетда).

# КРЕМЛНИНГ СЪЕЗДЛАР САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллиги байрами муносабати билан 9 Май куни Кремлнинг Съездлар саройида қабул маросими уюштирдилар.

Қабул маросимида М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Е. К. Лигачев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, С. Л. Соколов, В. П. Никонов, К. В. Русаков ўртоқлар, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ҳарбий бошлиқлар, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Шуҳрат ордени ва Меҳнат Шуҳрати орденининг тўла нишондорлари, ишлаб чиқариш илғорлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Залда социалистик мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари, коммунистик ва ишчи партияларнинг намояндалари, озодликка чиққан мамлакатларнинг партия-ҳукумат делегациялари, социалистик, социал-демократик партиялар ва бошқа партияларнинг вакиллари, давлат арбоблари, халқаро демократик ва чет эл жамоат ташкилотларининг намояндалари, чет эллик уруш ветеранлари, бошқа ажнабий меҳмонлар бор эди. СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар. Руҳонийларнинг намояндалари, журналистлар ҳам бор эди.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

## Ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Дўстлар!

Муҳтарам чет эллик меҳмонлар!

Бугун халқимиз Улуғ Ватан урушидаги тарихий Ғалабанинг қирқ йиллигини тантанали равишда байрам қилмоқда. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет ҳукумати номидан уруш ва меҳнат ветеранларини, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг жангчиларини, барча совет кишиларини шу шонли сана билан астойдил табриклашга ижозат бергайсизлар.

Фашизмга қарши, тинчлик ва социал тараққиёт учун биргаликда олиб борилган курашдаги барча дўстларимиз ва сафдошларимизни, чет эллик ҳамма муҳтарам меҳмонларни қизғин табриклашга ҳам ижозат бергайсизлар.

Биз, совет кишилари учун 9 Май—алоҳида байрам. Шу куни биз, гитлерчи босқинчиларни тор-мор этган, Ватаннинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган халқимизнинг, шавкатли қуролли кучларимизнинг мислсиз жасоратига офаринлар айтамиз. Зотан, биз дунёдаги биринчи социалистик давлат иккинчи жаҳон урушини Ғалаба билан тугаллашда, инсониятни фашизм ваҳшийлигидан қутқариб қолишда ҳал қилувчи роль ўйнаганлиги билан фахрланамиз.

Гитлеризмга қарши коалициядаги мамлакатларнинг халқлари, халқ озодлик армияларининг жангчилари, партизанлар ва яширин шароитда иш олиб борган кишилар, фашизмга қарши қўзғолонларнинг, қаршилик ҳаракатининг қатнашчилари умумий душманга қарши курашга катта ҳисса қўшганликларини совет кишилари унутганлари йўқ ва ҳеч қачон унутмайдилар.

Халқимиз гуркираб ўсаётган тузумнинг реакция кучлари устидан тантанаси, совет жамиятининг мустаҳкам бирлиги, СССР халқларининг енгилмас дўстлиги, авлодларнинг революцион давомийлиги рамзи бўлган Ғалаба кунини азиз ва мўътабар билиб эъзозлайди.

(Давоми 2-бетда).

